

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzf.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 19 январь • № 3 (1180)

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ҲАР ТОМОНЛАМА МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 17 январь кун Ислом Каримов Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларини самарали олиб бориш ва ушбу санани ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

Унда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференция алоқа тизими орқали вилоят ҳокимлари, oliй ўқув юртлири ректорлари, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди.

Маълумки, шу йил 30 январь кун мустақил давлатимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрда қабул қилинган қарори асосида юртимизда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов мақбара мажмуа-

си, Қарши шаҳрида эса Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб ҳайкал бунёд этилмоқда.

Шу билан бирга, Ислом Каримовнинг гоят серқирра ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этиш бўйича кўплаб маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан айна шу мавзуга бағишланган ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қанча илмий-оммабоп китоблар, жумладан, Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – энгилмас куч" асари нашр этилмоқда. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатган Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва



ISLOM KARIMOV
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
 BIRINCHI PREZIDENTI

Ислом Каримов хайрия жамоат фонди томонидан ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, март ойида Самарқанд шаҳрида Биринчи (Давоми 2-бетда).

Хотира

«ИСЛОМ КАРИМОВ ЖУДА БАҚУВВАТ ВА СОҒЛОМ ИНСОН ЭДИ»

Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Президентнинг шахсий шифокори, Тошкент тиббиёт академияси анестезиология ва реаниматология кафедраси профессори, Республика шохилинч тиббий ёрдам ўқув маркази директори Вячеслав АВАКОВ билан суҳбатлашди.

– Йигирма беш йил давомида Ислом Каримовдай буюк инсоннинг ёнида ишлаш бахтига муяссар бўлганимдан хурсандман. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов билан 1991 йил-

нинг охири 1992 йилнинг бошларидан таниш бўлганман. Ушанда Соғлиқни сақлаш вазири томонидан Президентнинг тиббиёт хизматини ташкил этиш мақсадида жалб этилган эдим. У пайтлар

бу хизмат мавжуд бўлмаган. Ҳатто, Президент шомоллаб қолганида ҳам атрофида унга қарайдиган мутахассис йўқ эди. Президентнинг бир дақиқа ҳам, бир сония ҳам ёнида тиббиёт ходимсиз бўлмаслигини таъминлашга ҳаракат қилардим. Шундай хизмат ташкил этиш зарур эдики, куну тун, уйда ҳам, ишда ҳам, ҳатто йўлда ҳам Президент ва оиласи, унинг ёнидаги ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш зарур эди. Шифокорлар Президентнинг рафиқаси Татъя-

на Акбаровна ва бошқа оила аъзолари иштирокида танлаб олинарди. Биз ана шундай тиббиёт хизматини ташкил этдик.

Албатта, Президент тиббиёт хизматига кўп ҳолларда унинг ўзи эмас, балки атрофдагилар муурожаат қиларди. Чунки Ислом Каримов жуда бақувват ва соғлом инсон эди.

Президентимиз ўзига масъулиятни кўп оларди, тинимсиз хорижий сафарларда бўлар ва мамлакатимизни халқро ҳамжамиятга таништиришга интиларди. Бу

эса жуда машаққатли иш бўлиб, Ислом Абдуғаниевич эса бу ишни янада мураккаблаштиради. Масалан, қайсидир хорижий давлатга ташриф доир протоколда бу ташриф уч кунга мўлжалланган бўлса, Ислом Каримов уни максимал даражада қисқартирар, расмий учрашувлар орасидаги танаффусларни деярли ўчириб ташлар эди. У кишининг дам олиши зарурлиги ҳақидаги гапларимизни кескин рад этарди.

(Давоми 2-бетда).


Фан ютуқлари

КОХЛЕАР ИМПЛАНТАЦИЯ ОПЕРАЦИЯСИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Ҳаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари-га кўра, Ер юзи аҳолисининг 5,3 фоизи эшитиш қобилиятининг пастлигидан азият чекади. Дунё бўйича ҳар минг нафар янги туғилган чақалоқдан бири эшитиш заиф бўлиб ёки мутлақ қарлик билан туғилади. Бу кўрсаткич бир ёшга борганда 2-3 баравар ортади. Афсуски, уларда иккиламчи нутқ ҳам шаклланмай қолиб, жамиятда ўзини ижтимоий чегараланган ҳис қилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу кундан-кунга глобал муаммога айланиб бормоқда. Шу боис, болаларда тугма ва орттирилган эшитиш заифлиги хасталигини самарали даволаш, қарликни бартараф этиш мақсадида юқори технологик жарроҳлик операциялари амалиётга татбиқ этилди. Кохлеар имплантация ҳам шулар жумласидандир.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда инсон саломатлиги, айниқса, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида эзгу фаолиятлар йўлга қўйилган. Хусусан, Ўзбекистонда 2014 йилда биринчи марта кохлеар имплантация операцияси Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам

муваффақиятли амалга оширилди. Бугунги кунгача муассасада маҳаллий мутахассислар томонидан 360 нафардан ортиқ болада бюджет маблаглари ҳисобидан кохлеар имплантация, 70 нафардан зиёд беморда имтёзали, хомийлар ва ота-оналар ҳисобидан операция амалга оширилди. Мониторинг натижалари эса (Давоми 3-бетда).



БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ҲАР ТОМОНЛАМА МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ

Президентимиз Исло Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаган халқаро илмий конференция ўтказиш ва бошқа муҳим тадбирлар бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Исло Абдуғаниевич Каримов ўзининг Президент сифатидаги бутун ҳаёти ва фаолиятини юртимизда янги давлат, янги жамяят барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этишдек улғу мақсадга бағишлади. Халқимиз мам-

(Давоми. Боши
1-бетда).

лакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи билан боғлайди, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун ҳам бу тарихий санани ҳар томонлама юксак даражада ўтказиш бизнинг ўз тарихимизга, мустақиллигимизга бўлган ҳурматимизни, халқ, миллат сифатидаги маданиятимиз ва маънавиятимизни намोён этиши, айнан шунга қараб дунё жамоатчилиги бизга баҳо беришига йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бундай култур саналар ўз тарихимиз, миллий ўзгичимизни англашга, халқи-

миз, айниқса, ёшларимизни эл-юртимизга бутун борлигини бериб, фидойилик кўрсатиб яшаган улғу инсонларнинг ибратли фаолиятига ҳар томонлама муносиб этиб, уларнинг эзгу фазилатлари руҳида тарбиялашга хизмат қилиши қайд этилди.

Йиғилишда Бош вазир, юбилей ташкилий қўмитасининг раиси А. Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов, Исло Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик жамъуаси раҳбари Т. Ширинов, Қашқадарё вилояти ҳокими З. Рўзиев, Самарқанд вилояти ҳокими Т. Жўраев, Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров, Сурхондарё

вилояти ҳокими Э. Турдимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси М. Ернйязовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президент Исло Каримовнинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, асосий юбилей тадбирларини юксак даражада ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Юбилей кунларида барча таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, нурунийлар, турли соҳа мутахассислари иштироки-


да Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган учрашувларини мазмунли ва юқори савияда, таъсирчан руҳда, аниқ ҳаётий мисоллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Исло Каримов таваллудини 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ барча маросим ва тадбирларни Биринчи Президентимизнинг Ватанимиз олдидаги унутулмас хизматларига ҳар томонлама муносиб ҳолда ўтказиш бизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир, деб таъкидлади пировардида давлатимиз раҳбари.

У.А.

Хотира

«ИСЛОМ КАРИМОВ ЖУДА БАҚУВВАТ ВА СОҒЛОМ ИНСОН ЭДИ»



У киши ўзини аямас эди. Чунки у пайтлар давр мураккаб эди. Мустақил Ўзбекистон энди ўзини тиклаётган, дунё микёсида тан олиншига ҳаракат қилаётган давлат эди. Халқаро жамоатчилик Афғонистон, Покистонни билишини, лекин Ўзбекистон ҳақида эшитмаганини айтишар, Президент эса Ўзбекистон – мустақил, катта салоҳиятга эга давлатлигини таъкидлашдан чарчамасди. Тез-тез хоржга сафар уюштирарди.

Эсимда, қайсидир йили адашмасам Голландияга борган эдим. Маҳаллий тадбиркорлар билан учрашувда Исло Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳақида жуда тўққинлиб гапириб, инвесторларни жалб этишга ҳаракат қилди. Унинг нутқи барчада катта таассурот қолдирди. Ҳаёт пайт бир тадбиркор келиб, "Сиз билан учрашишдан олдин харитадан Ўзбекистонни узоқ кидирдим, лекин тополмадим" деганда, Президентимиз "Ўзбекистонни харитада топиш қийин эмас, чунки унинг майдони тўртта-бешта Голландиянинг майдони билан баробардир" дея ҳазил мутойиба билан оқилона жавоб қилган эди. Бугун Ўзбекистонни дунё таниди. Буларнинг барчасида Исло Абдуғаниевич Каримовнинг хизмати катта, деб биламан.

Утган йиллар давомида Исло Каримовни кузатиб, шуни англа-

(Давоми. Боши
1-бетда).

димки, у жуда юқори иш қобилиятига эга инсон эди. Суткасига йигирма олти соат ишларди, десам муболага бўлмайди. Чунки у иш графигини жуда тизим қилиб кўяр, ҳатто уни тиббий кўриқдан ўтказиш учун шу графикага мослашишга ҳаракат қиларди. Йилда бир мартагина чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишга аранг кўндирарди. Ахир қирқдан ошадан кейин ҳар бир инсон йилда камда бир ёки икки марта тиббий кўриқдан ўтиши зарур. Давлат раҳбари эса инчунун.

Биз уни тушунардик. Шу боис унга жисмоний юкларини кўпайтиришни бошладик. Президент билан катта теннис ўйнардик, югурардик. Исло Каримов қисқа фурсат ичида теннис ўйнашни шунчалар яхши ўзлаштирдик, бир неча ойда барча мизини, ҳатто, спаринг шеригини ҳам ортда қолдирди. Кейинчалик ёш ўтган сари ҳам теннис ўйнашни қанда қилмади. Бу унинг ўз олдига қўйган мақсадига етишиш учун барча қийинчиликларни энгиб ўтишга қодирлигидан далолатдир.

Ҳаётимизни йигирма беш йили давомида у киши билан ёнма-ён юрдим. Унинг узоқни кўра билиш қобилиятига ҳар доим тан берганман. Айниқса, қурилиш ва бунёдкорлик борасидаги ишларга катта аҳамият берарди. Бино қурилишида шамолнинг йўналишини, қуёшнинг тушишини инобатга оларди. Халқнинг фаровонлигини, яхши ҳаёт кечиришини ўйларди.

Ҳар шанба Исло Абдуғание-

вич билан кўришди, Дўрмондаги боғни сайр қилардик. Бу боғ қаровсиз ётган ўттиз икки гектар ерда у кишининг ташаббуси билан ташкил этилган эди. Биласизми, ҳозир шу боғ Тошкент шаҳрининг том маънода айтганда "ўпка"си ҳисобланади. Яъни шаҳар ҳавосининг тоза бўлишида бу боғнинг аҳамияти катта.

У ўзига ва атрофдагиларга нисбатан ўта талабчан эди. Масалан, қайсидир жисмоний юкларини бажариш чоғида ёки ишдан ташқари оила даврасида ўтирганда ҳам фақат иш ҳақида, халқ ва давлат ҳақида қайғурарди. Биз уни чалғитишга ҳаракат қилар, лекин барча уринишларимиз деярли зое кетарди. У доим "Мен ишдан чалғий олмайман!" деб таъкидларди. Исло Каримов борлиги билан ўзини ишга бағишлаган инсон эди. Ишонасизми, йигирма беш йил давомида бирон жойга, яъни хорждаги номи чиққан дам олиш масканларига бориб ҳордиқ чиқарганини эслай олмайман. Нари борса, ўзимиздаги Қайнарсойга бориб, шанба ва якшанба кунлари икки-уч кун дам оларди, холос.

Туғилган кунни жуда оддий, фақат яқинларига иштирокида ўтарди. Ортиқча сарф-харажатга, санъаткорларнинг келиб хизмат қилишига йўл қўймади. Яна бир жиҳатни тан олиш керак: у киши қанчалик талабчан ва қаттиққўл бўлса, шунчалик меҳрибон ва самимий эди. Бу бир-бирига қарама-қарши хусусиятлар доим ёнма-ён эди. Ҳар қандай муаммони аниқ ва қатъий ҳал қиларди. Оиласида аёлига, болаларига, невараларига баъзан қаттиққўллик қилар, лекин кўпинча меҳрибон эди. Исло Абдуғаниевичнинг оила аъзолари билан қандай муносабат қилишига ҳавасимиз келар ва у кишидайд бўлишга интилардик.

У дўстликни қадрларди. Дўст бўлишга аҳд қилдим, ҳақиқий дўст бўларди. Шаҳмат ўйнаётганда, хордиқ чиқаратганда баъзан болалик, ёшлик хотираларини эслашни, ўша пайтлардаги дўстлари ҳақида гапириб беришни яхши кўрарди. Қайсидир байрамда, бирон бир сана билан боғлиқ йиғиндами Татьяна Акбаровна билан бирга Исло аканинг болалиқдаги, ёшлиқдаги дўстларини тақдир қилардик. Исло Каримов болалиги, ёшлиги ҳақида мароқ билан гаплашган дўстларидан миннатдор бўлар, аксинча, ўзининг муаммоларини айтиб, у кишидан фойдаланиб қолиш пайида бўлган-

лар билан эса алоқани узарди. Чунки Исло Каримовнинг муаммолари олдида у кишиники денгиздан томчидай эди. Шундай пайтларда мен Исло акага "Сиз ўзингизни биз билан солиштирманг. Ахир сиз билан бизнинг орамизда осмон билан ерчалик фарқ бор. Масалан, ёмғир ёғса мен оддий одам сифатида соябон олиб чиқиш ҳақида ўйласам, сиз эса одамларнинг уйдан чакки ўтмаяптими, экинларга нима бўлади, қиш совуқ келса, нима қиламиз, деб бутун халқни, мамлакатни ўйлайсиз" деб тасалли берардим. У киши эса кулиб қўя қоларди.

Исло Каримов бирон нарса қилмоқчи бўлса, сидқидилдан қиларди. Бир кун Исло ака тустанди: "Сизникига меҳмонга борамиз!" деб қолди. Шошиб қолдим, дарров аёлимга кўнгириқ қилиб, тайёргарлик кўриб туришни айтдим-да, ўзим йўлга тушдим. Уйга бордик, Исло ака, ҳамма жойни кўздан кечириб чиқдим. Бироз гурунқ қилиб ўтирдим. Аслида келишидан мақсад менинг турмуш шароитим билан танишиш, менинг мисолида мамлакатда профессорлар қандай ҳаёт кечираватганини билиш эди.

Ҳа, у Ватанини, халқини чин юракдан яхши кўрарди. Шунчалар яхши кўрардики, киёси йўқ эди. Масалан, бир йили Бразилияга бордик. Меҳмонхонага жойлашдик. Исло Каримовнинг хонасининг деразасидан океан, соҳил, пальмалар кўриниб турарди. Жуда гўзал манзара эди. Манзарага қараб "Гўзалликни қаранг!" деб ҳайратимни билдирганимда, у киши "Бизда бундан ҳам чиройлироқ жойлар кўп!" деганди. Бу сўзлар унинг қалбидан чиққан самимий сўзлар эди.

Мен чин маънодаги ватанпарварликни Исло Каримовдан ўргандим. У фарзандларимнинг анча йилдан бери Америкада яшашини билар ва доим "Бир кўшам, бир кун сен ҳам кетасан" дерди. Мен у кишига "Нега кетар эканман? Мен шу ерда туғилиб ўсдим, таълим олдим, иш топдим, оила қурдим. Мен Ватанимга керакман. У ёқда ҳеч қимга керак эмасман" дердим. Бундан у киши мамнун бўларди. Мен ваъдамга содиқ қолишга ҳаракат қиламан.

Сўнги ўн йилда биз нафақат Президент ва шифокор сифатида, балки дўст, ака-ука сифатида мулоқот қилардик. Баъзан халқнинг ҳаёти, яшаш тарзи, аҳоли, кайфияти ҳақида сўрар, мен у кишига "Бир марта дўконлари-

мизни бориб кўринг, ҳамма нарса бор. Шаҳар ва қишлоқларимизни кўринг" дердим.

Бир сафар "Исло Абдуғаниевич, нега бизда конвертация йўқ? Ахир бошқа давлатларда бор-ку!" деб савол бердим. У шундай оддий ва аниқ жавоб берди-ки, лол қолдим. Ҳанда "Биласанми, бир кун келиб конвертация ҳам бўлади. Ҳозир бизнинг иқтисодиётимизда муаммолар кўп. Завод-фабрикалар қуришимиз керак. Унинг учун энг замонавий ускуналар керак. Ускуналар эса четдан валютада келтирилади. Агар конвертациани йўлга қўйсак, биз валютани машиий, майда-чўйда нарсаларга ишлайтиб юборамиз. Биз валютани завод ва фабрикаларга сарфлашимиз ва иқтисодиётимизни кўтариб олишимиз керак" деганди.

Исло Каримов оқилона ва узоқни ўйлаб иш юридагидан бузоқ инсон эди. Мамлакатимизни энг оғир дамларда ҳам оёққа туриб олишди, иқтисодиётимизнинг ривожланишида, халқнинг тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт кечиришида Биринчи Президентимизнинг ҳиссаси катта.

Юқорида айтиб ўтганимдай, у киши бақувват ва соғлом эди, соғлигини шикоят қилмасди. 26 август кун ҳаммамиз Татьяна Акбаровнанинг туғилган кунини нишонладик. Исло Абдуғаниевич савол тўққизларда ишдан келди, ҳаммамиз бир оила аъзоларидек чиройли дастурхон атрофида ҳазил-хузул қилиб ўтирдик. Исло аканинг ҳам кайфияти аъло эди. Эртасига эса у кишини соғлиги кескин ёмонлашгани ҳақида эшитдик. Зудлик билан етиб бориб, Исло Абдуғаниевични шифохонага олиб бордик. Менинг ҳаёлимда эса бир савол айланаварди: қандайд қилиб шундай соғлом одам бирдан йиқилиши мумкин?!

Менинг ака-укаларим йўқ эди, биттагина опам бор эди. Биринчи Президентимиз вафот этганларида ўзимнинг туғилган акамни йўқотгандай бўлганман.

Мендан кўпинча "Бахтиёр-мисан?" деб сўрашарди. Мен "Албатта" дейман. Чунки Исло Каримовдай буоқ инсоннинг ёнида ўтган йигирма беш йил мен учун катта ҳаётий мактаб бўлди. Исло Каримовдан Ватанини, халқни севишни, юртининг, табиатнинг гўзаллигидан баҳра олишни ўргандим.

У.А. муҳри
Байрам АЙТМУРОВ
ёзиб олди.

Фан ютуқлари

КОХЛЕАР ИМПЛАНТАЦИЯ ОПЕРАЦИЯСИ

Иқтисодий ривожланган давлатларда амалга оширилади

имплантация қилинган болаларнинг 90 фоизда ижобий эканини билдирмоқда. Яъни, уларнинг эшитиш қобилияти тикланиб, гапира бошлади.

Этироф этиш керакики, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти жаҳон андозаларига монанд бўлиб, бугунги замон талабларига жавоб бера оладиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Айниқса, 40 ўринга мўлжалланган махсус "Туғма ва орттирилган ЛОР аъзолари касалликлари" бўлимида юқори технологик кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Муассаса ходимлари томонидан амалиётда доимий излашлар олиб борилиб, хорижий мутахассислар билан ўзаро тажриба алмашилмоқда. Бунинг баробарида, бир қатор муваффақиятларга ҳам эришилмоқда.

Кузавков нафақат Россия, балки бутун дунёда етакчи отирирлардан хисобланиб, беш минг нафардан ортик эшитишида муаммоси бор болада кохлеар имплантация операцияларини бажарган.

Шавкат АМОНОВ,
Туғма ва орттирилган ЛОР хасталиклари бўлими илмий раҳбари, профессор:

– Кохлеар имплантация – юқори технологик операция бўлиб, иқтисодий ривожланган давлатларда амалга оширилади.

XX асрнинг 80-йилларида АҚШда қарларга ёрдам бериш мақсадида ушбу жаррохлик амалиёти яратилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, уни тиббиётимизга татбиқ қилиш борасида ишлар йўлга қўйилди. Лекин бунинг учун қар болаларни аниқлаш мақсадида тиббий асбоб-ускуналар, махсус бўлим, етук мутахассислар керак эди. Ана шуларнинг бари йиллар давомида тайёрланиб, 2014 йилда биринчи марта давлат ҳисо-

касб этади. Чақалоқ дунёга келгандан сўнг уч ёшида мукаммал гапира олади. Шу боис, мажозий маънода қар болага имплант қўйилган сана унинг янгидан туғилган кун, деб аталади. Шундан келиб чиқиш айтиш мумкинки, реабилитация бу операциянинг натижасини баҳолайди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 400 нафарга яқин болада ушбу юқори технологик кохлеар имплантация бажарилиб, республикамизда ўзбекистон ёндашувли реабилитация дастури тузилди. Унга кўра, операция ўтказилгунга қадар ёки ундан кейин ота-она, сурдопедагоглар билан мукаммал иш олиб борилади. Бир сўз билан айтганда, ушбу жараёнда босқичма-босқич вазифалар амалга оширилади. Аксарият давлатларда кохлеар имплантация қилингандан сўнг реабилитацияга этибор берилмай, назоратдан четда қолади. Бизда эса аксинча. Дейлик, биргина Хоразм вилоятида операция қилинган болада маҳаллий сурдопедагог, болалар бош отоларинголог бириктирилади. Ва ҳар уч ойда мониторингдан ўтказилади. Айтмоқчиманки, имплантация қилинган ўғил-қизларда операциядан кейинги реабилитация тадбирлари тўғри йўлга қўйилмас экан, уларда эшитиш ва нутқ ривожланиши, ҳаётга мослашув жараёни суст кечади. Шу боис, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги сурдопедагоглар кохлеар имплантациянинг реабилитация босқичларини ўзлаштириш бўйича таҳсил олиб, марказ билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Мана, ҳозир 7 нафар болада навбатдаги операцияни ўтказдик. Уларнинг ҳаммаси сурдопедагоглар билан мунтазам шуғулланган бўлиб, ҳар бир операция жараёни ўртача 1-1,5 соат давом этади. Лекин реабилитация даври эса 3-5 йилни ташкил қилади. Шунинг учун ота-оналарга бу борада атрофична тушунтириш ишларини олиб борамиз. Ҳозирги кунда болаларнинг реабилитация кўрсаткичи 95 фоиз атрофида бўляпти. Дунёда бу рақамлар 70 фоиздан ошмайди. Яъни, операция қилинганларнинг учтадан биттасида реабилитация бўлмагани учун унга сарфланган харажат беҳуда, деб хисобланади. Биз бугун юқори натижага эришяпмиз, сабаби, ўзбекистон ёндашув, ишлаб чиқилган дастур, ишнинг тўғри ташкил қилингани фаолиятимизга дастуриламал бўлмоқда. Кўшимча қилиш мумкинки, Россия, Украина, Франция, Польша, Литва, Словакия, Австрия, Италия, туркиялик профессорлар билан ҳам-



Владислав КУЗАВКОВ,
россиялик профессор, тиббиёт фанлари доктори:



– Кохлеар имплантация – юқори технологияли операция бўлиб, ички томонлама эшитиш қобилияти III ва IV даража бўлган беморларда амалга оширилади. Кохлеар имплант эса – сунъий қулоқ, яъни бемор ички қулоғи, чиганокқа ўрнатиладиган актив электрод хисобланади. Мазкур мураккаб жараён ўтказилгандан сўнг унинг реабилитациясига ҳам алоҳида этибор қаратиш зарурлигини таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистонда тўғри йўлга қўйилганлигини этироф этиш жоиз. Кохлеар имплантация Республика педиатрия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказида 2014 йилда биринчи марта амалга оширилган бўлса-да, биз маҳаллий мутахассисларингиз билан 2010 йилдан бунён тажриба алмашиб, ўқув машғулотлари, семинарлар ўтказиб келамиз. Аввало, эшитиш ҳар бир инсон, айниқса, ёш, мурғак қалбга жуда зарур, деб хисоблайман. Улар тенқурлари орасида ўзини ўқисиб билиб, мулоқотга киришиши қийин кечади. Давлатингиз томонидан бу борада қўллаб-қувватлашга алоҳида этибор қаратилиб келинаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Ҳозир ҳам 7 нафар болада мазкур операция муваффақиятли бажарилди, келажақда улар тўғри реабилитация қилинса, бемалол эшита олиб, гапиришига ишончим комил.

корлик йўлга қўйилган. Қувонч билан айтишим керакики, бугунги кунда уч нафар мутахассисимиз мазкур операцияни тўлиқ бажара олади. Маҳаллий ёш шифокорларимиз хорижий мамлакатларнинг етакчи клиникаларида таҳсил олиб қайтишган. Бу каби эзгу фаолиятларнинг замирида, аввало, инсон манфаатлари, аҳоли саломатлиги, айниқса, болаларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиши ётибди.

Дарҳақиқат, кохлеар имплан-

тация операцияси бугунги кунда мураккаб, юқори технологияли жаррохлик амалиёти, деб бежиз айтилмайди. Уни бажариш учун шифокор етук мутахассис бўлиши, ўз ишига масъулият билан ёндашиши талаб этилади. Шу боис, Республика педиатрия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказида шифокорлар маҳорат дарсларини ўтказиб, ўзаро тажриба алмашилмоқда.

Ҳа, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган бундай эзгу мақсадлар мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор вазифасига айлангандан дарақдир. Кохлеар имплантация каби ноёб ҳамда мураккаб операция жараёни муваффақиятли амалга оширилаётганлиги тўғрисида қанчадан-қанча оилаларга қувонч бахш этилмоқда. Энг муҳими, мурғак қалблар борлиқни, дунёни эшитиш бахтига мунассар бўлмоқда.

Жонибек МАЪРУПОВ,
Ақром АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

РАҚАМ ВА ШАРҲ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, Ер юзи аҳолисининг 5,3 фоизи эшитиш қобилиятининг пастлигидан азият чекади. Дунё бўйича ҳар минг нафар янги туғилган чақалоқдан бири эшитиш заифлиги ёки мутлақ қарлик билан туғилади. Бу кўрсаткич бир ёшга борганда 2-3 баравар ортади. Афсуски, уларда иккиламчи нутқ ҳам шаклланмай қолиб, жамиятга ўзларини ижтимоий чегараланган ҳис қилишади.

Хусусан, 2017 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида»ги Фармони асосида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази профессорлари – Ф. Иноятова, Д. Аҳмедова, Ш. Амоновлар айтиш шуниси, яъни «Оғир эшитиш заифлиги ва қарлиги бўлган болаларнинг реабилитацияси (Ўзбек модели)» амалий тадқиқоти учун Биринчи даражали Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Марказда доимий тарзда хорижий мутахассислар билан тажриба алмашиб келинади. Жорий йилнинг 13 январь кунини Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридан келган профессор, тиббиёт фанлари доктори Владислав Кузавков билан ҳамкорликда 7 нафар болада кохлеар имплантация операцияси, бу борада маҳорат дарслари ҳамда 30 нафардан ортик беморда чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ўтказилди. Таъкидлаш керакики, Владислав

бидан кохлеар имплантация операцияси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 9 декабрда «Тиббиёт муассасаларида кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш учун беморларни танлаб олиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 20-сонли буйруғи (ушбу буйруқ 2015 йил 8 январьда Адлия вазирлигида 2648-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) асосида беморлар операцияга танлаб олинди, амалиёт бажарилгандан кейинги реабилитация жараёнлари олиб борилади. Аввало, бунда уч босқичга, биринчидан, беморни тўғри танлаб олиш, яъни ҳеч қачон хафта қилмаслик, иккинчидан, операцияни аниқ ва сифатли амалга ошириш, имплант ўрнатиш, учинчидан реабилитацияга алоҳида этибор қаратиш зарур. Жуда кўп шифокор, ота-оналарда: «Болани операция қилди, эшитяпти, демак гапиради ҳам, энди барчаси ортда қолди» деган тасаввур пайдо бўлади. Ҳақиқатан бола операциядан сўнг эшита бошлайди, бироқ гапирмайди. Бунинг учун реабилитация муҳим аҳамият

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонун устуворлиги амалда



Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани Юкумли касалликлар шифохонаси бош шифокори Бахтиёр Санаев ҳамда ушбу туман Болалар шифохонаси бош шифокори Абдухалим Эшматовнинг Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясига иш берувчи томонидан ҳодимларнинг розилигисиз бошқа доимий ишга ўтказилганлиги юзасидан норози бўлиб ёзган аризалари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касоба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан кўриб чиқилди.

Натижада, Шахрисабз тумани тиббиёт бирлашмасининг 2017 йил 11 октябрь кунидagi 210-к сонли буйруғи асосида Б. Санаев туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси Юкумли касалликлар шифо-

ри лавозимига, А. Эшматов эса туман марказий шифохонаси реанимация бўлими мудири вазифасига бошқа доимий ишга ўтказилгани, ушбу ҳодимлардан розилик олинмасдан буйруқ чиқарилгани тўғрисида Ўзбекистон

БОШ ШИФОКОРЛАР ИШ ЖОЙЛАРИГА ҚАЙТДИ

Республикаси Меҳнат кодексининг 92 ва 96-моддалари қўпол равишда бузилгани аниқланди.

2017 йилнинг 15 ноябрь кунини Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиги О. Буриев номига «Меҳнат қонунчилигида йўл қўйилган ҳато-камчиликларни бартараф этиш тўғрисида» тақдимнома юборилган бўлса-да, унинг талаблари бажарилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини рўқча қилиб, 2017 йил 28 ноябрда жавоб хати йўллаган ва тақдимнома талабларини бажаришдан

бош торган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касоба уюшмаси Республика Кенгашининг вакили тақлиф этилган. 2017 йилнинг 14 декабрь кунини бўлиб ўтган очик суд мажлисида «Ишга тиклаш» ҳақидаги даъво аризаларини киритиб, Шахрисабз тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиги О. Буриев томонидан меҳнат қонунчилиги қўпол равишда бузилганлиги аниқланиб, 2017 йил 11 октябрдаги

210-к сонли буйруқ бекор қилинди. Б. Санаев ва А. Эшматовлар аввалги иш жойларига қайтарилди ҳамда Шахрисабз тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан уларга 3.100.000 (уч миллион бир юз минг) сўм маънавий зарарни тўлаш мажбурияти юклатилди.

Фарҳод ХАНАПИЯЕВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касоба уюшмаси Республика Кенгаши раиси.

Нукта назар

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Майлумки, мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан аҳолининг яшаш тарзи ва турмуш фаровонлиги билан узвий боғлиқдир. Ушбу мақсадларга эришиш учун эса, аввало, инсон саломатлиги мустақкам бўлиши лозим. Шу маънода бугун республикамизда аҳоли саломатлигини асраш масаласига давлат сийбати даражасида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас, албатта.

Айниқса, бу борада Президентимиз томонидан берилётган таклиф ва топшириқлар амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида муҳим дастуриямал вазифасини ўтамоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Парламентга қилган мурожаатномасида тиббиёт тизимидаги долзарб масалалар, кўплаб гоёлар, амалий таклиф ва тавсияларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Жумладан, ҳудудлар аҳолиси учун қулай, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвақт аниқлаш ишларини изчил давом эттириш мақсадида масофадан туриб профилактика қилишни таъминлайдиган «Ақли тиббиёт» ҳамда «Ягона тиббий ахборот маркази» концепцияларини ўз шариоитимизга мослаштириб тиббиёт тизимини зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг асосий устувор йўналиши – Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ижтимоий соҳа сифатида соғлиқни сақлаш тизими истиқболлари белгиланган эди. Шулардан келиб чиққан ҳолда ҳозирга қадар тизимда эришилган ютуқлар қатори жойларда ҳанузгача айрим муаммолар мавжудлиги инobat-га олиниб, Ҳаракатлар стратегияси ва давлатимиз раҳбарининг Парламентга

мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар ижроси бўйича Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, жумладан, Республика болалар гастроэнтеролог ва нутрициологлари жамоат бирлашмасининг Самарқанд вилояти бўлими томонидан ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, хусусий тиббиётни жадал ривожлантириш, шу мақсадда соҳага хорижий инвесторлар ва чет эллик мутахассисларни жалб этиш юзасидан тизимли фаолиятлар йўлга қўйилган. Айтиш жоизки, бугун вилоятда 296 та хусусий сектор фаолият юритмоқда. Ўтган йиллар мобайнида уларга 600 дан ортиқ юқори технологияли асбоб-ускуналар олиб келинди. Ўз ўрнида бу янги инновацион технологиялар турли касалликларни эрта аниқлаш баробарида самарали даволаш усулларини жорий қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини яратмоқда. Бундан ташқари, кишлоқ аҳолисининг ҳудудга хос касалликлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тор йўналишда ихтисослашган хусусий диагностика ва стационар тиббий марказларни кўпроқ очишга ҳам муҳим фаолиятлардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш муҳимики, амалга оширилаётган ишларда Президентимиз томонидан соҳага

оид қабул қилинаётган қарор ва фармонлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шулардан бири 2017 йил 25 декабрда қабул қилинган «2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури» тўғрисидаги Қароридир. Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида республикада перинатал ва она-бола скрининг марказлари ташкил қилинади. Бу билан ҳомилдорлик даврида она ва боладаги мавжуд касалликларни эрта аниқлаш имкони яратилади. Ўтган йиллар мобайнида она-бола скрининг марказлари юқори технологияли ультратовуш сканер, биокимёвий анализатор ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шу билан бирга, Республика болалар гастроэнтерологлар ва нутрициологлар жамоат бирлашмаси Самарқанд вилояти бўлими қoшида «Nestle» компанияси билан ҳамкорликда «Болалар гастроэнтерологлари ва нутрициологлари мактаби» очилган бўлиб, 2017 йил давомида режа асосида Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро ҳамда Қашқадарь вилоятларида болалар нутрициологияси ва гастроэнтерологиясининг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимига бағишланган семинар, конференциялар ўтказилди. Жумладан,

оилавий поликлиникалар ва болалар шифохоналарида 8 семинар ва 5 конференция ўтказилиб, уларда 479 нафар шифокор иштирок этди. Шу қаторда уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган 5 илмий мақола, 10 та тезис чоп этилиб, соғлиқни сақлаш амалиётига 3 ишланма жорий қилинди. Шу қаторда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни такомиллаштириш мақсадида тарғибот ишлари амалга оширилди.

Президентимиз мурожаатномасида «Она ва бола саломатлигини асрашда муҳим омил бўлган скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда» дейилган. 2018 йилда 46 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилиши эса аҳоли қаторида тиббиёт ходимларини ҳам қувонтиради. Улар замонавий тиббиёт ускуналари, юқори малакали кадрлар билан таъминланади. Тиббиёт фани ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда, кишлоқ врачлик пунктларида касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича замонавий диагностика лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакики, узокни кўзлаб ишлаб чиқилаётган мазкур чора-тадбирлар ижросини таъминлаш соғлиқни сақлаш тизимини фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис зиммасига катта масъулият юклайди.

Сайдулло РАСУЛОВ,
Республика болалар гастроэнтерологлари ва нутрициологлари жамоат бирлашмаси Самарқанд вилояти бўлими раҳбари.

Соғлом авлод – Ватан келажаги

ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли саломатлигини мустақкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида тиббиёт тизимида қатор ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида тиббий-профилактика, перинатал, скрининг хизматлари, педиатрия, акушерлик ва гинекология соҳасига ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт

болаларнинг дунёга келиш да- ражаси кўпайиши кузатилмоқда. Бунга сабаб ҳомиланинг туғма нуқсон билан ривожланишидир, у ҳомилдорлик давридаги энг хавфли асоратлардан бири бўлиб, чақалоқларнинг

стеноз анатомози, баъзиларида урологик нуқсонлар, об- структурив уропатиялар мавжуд. Юқорида айтиб ўтилган нуқсонлар билан туғилган чақалоқларни мукамалроқ диагностика қилиш ва операция турини тан- лашда неонатал жаррохликнинг инновацион ҳамда каминвазив ёндашуви талаб этилади. Бунинг учун тиббиёт муассасалари етук мутахассис ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан таъмин- ланиши зарур. Шу ўринда ай- тиш жоизки, Ўзбекистон Рес- публикаси Соғлиқни сақлаш ва- зирлиги Германия Халқаро Ҳам- корлик ташкилоти (GIZ) лойи- хаси билан ҳамкорликда Рес- публика перинатал маркази қoшида ташкил этилган ўқув- методик маркази ҳомиланинг туғма нуқсон билан ривожлани- шида туғилган чақалоқларга их- тисослашган жаррохлик ёрда- мини кўрсатишни янада кучай- тиришга қаратилган. Бироқ, ҳозирги кунгача марказда мав- жуд бўлган асбоб-ускуналар- нинг эскиргани юқори техноло- гик операцияларнинг ўтказили- шига тўсқинлик қиларди. Айниқ- са, лалароскопик ускуналар мажмуаларининг етишмаслиги, урологик операциялар, ундан кейинги қизилўнғач стенозини кенгайтиришда керак бўладиган тиббий анжомларнинг йўқлиги аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатишда камчиликларга са- баб бўлар эди.

Ана шу муаммоларни ҳал қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирилик керакики асбоб-уску- наларни сотиб олиш ва мута- хассисларга каминвазив техно- логияларини ишлаштириш бўйича малака ошириш курсларини

ташкил этиш ташаббусини ил- гари сурди. Оналик ва болалик- ни муҳофаза қилиш йўлида юқори технологик диагностика ва даволанишнинг кенг қам- ровли қўлланилишини кирит- тиш Германия Халқаро Ҳамкор- лик ташкилоти (GIZ) лойиҳаси- нинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу муноса- бат билан неонатал хирург ҳамда гинекологлар учун Рес-

инвазив усулларни қўллаган ҳолда ҳомиланинг туғма нуқ- сон билан ривожланишида ту- гилган чақалоқларни тўлиқ да- волаш каби фаолиятларни йўлга қўйган. Айтиш мумкин- ки, эндиликда туғма нуқсон бил- лан туғилган чақалоқларда яшаб қолиш ва соғлом ҳаёт ке- чириш имкониятлари мавжуд.


Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, фертиль



ҳамда репродуктив саломатлик марказлари томонидан амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар такомиллаштириб борилмоқда. Зеро, болалар – бизнинг келажагимиз, шу боис, уларни ҳар томонлама соғлом қилиб вояга етказиш давлатимизнинг доимий эътиборидадир.

Статистик маълумотларга кўра, аксарият мамлакатларда гўдақлар ўлимнинг камайишига қарамай, туғма нуқсонли

ногиронлиги ва ўлимига олиб келади. Ўзбекистонда ҳар йили ўртача 650 минг нафар бола туғилиши ҳисобга олинса, улар орасида, тахминан 4 минг 28 нафардан 10 минг 34 нафаридан неонатал даврда тезкор ёки шошилич операция ўтказилиши талаб қилинади. Соғлиқни сақлаш вазириликнинг статис- тик маълумотларига қараганда, айрим қизилўнғач атрезияси билан туғилган чақалоқларда операциядан кейинги даврда



публика перинатал маркази қoшида ўқув маркази ташкил этилиб, Германия ва Россия давлатларидан келган халқаро мутахассислар иштирокида бир неча маҳорат дарслари ўтказилди. Яна бир муҳим жиҳат, Соғлиқни сақлаш вазирилик, Республика перинатал маркази тақлифи биноан Германиядан уч турдаги эндоскопик ускуна сотиб олинди. Бугунги кунда мутахассисларимиз янги ёндашувлар ва замонавий кам-

ёшдаги ва ҳомилдор аёлларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган ҳамкор- ликдаги фаолиятлар келгусида келажак авлодларимизнинг соғлом ва баркамол вояга ети- шида ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Умида МУХИДДИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси.

Яшил дорихона

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

Маълумки, юртимизнинг бой табиий захирасидан фойдаланиб, юқори самарали дори воситаларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, шу билан бирга, дори мустақиллигини таъминлаш фармацевтика фанининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шулардан келиб чиққан бугунги кунда мамлакатимизда мазкур фаолиятлар билан шуғулланувчи субъектларни қўллаб-қувватловчи имтиёзлар берилиши билан бирга, уларнинг олдида маҳаллий хом ашё захираларидан дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги хом ашё турларини яратиш, амалиётга жорий қилиш, захираларни таъминлаш, шунингдек, янги оригинал ва генерик дори воситаларини тайёрлашни ўзлаштириш масалалари кўйилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад юқори самарадорликка эга бўлган безарар, импорт ўрнини босувчи дори воситалари технологияларини ишлаб чиқиш, улар сифатини Халқаро стандарт талаблари даражасига кўтариш ҳамда амалиётга татбиқ қилишдан иборатдир.

Айтиш керакки, айна пайтда республикамизда ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари аҳоли эҳтиёжининг 23 фоизини қондиради ҳолос. Шу боис, аҳолини маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, кам захарли, аллергия қақирмайдиган, турғун, юқори биосамарадор, арзон дори воситалари билан таъминлаш устувор йўналиш ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал қилиш йўллари билан бири – ўзимизда ўсадиган доривор ўсимликлардан оқилона фойдаланишдир. Шу мақсадда куйида биз, доривор ўсимликлардан олина-

диган айрим препаратлар устида тўхталамиз.

Гулхайри илдизи – Radices
Ўсимликнинг номи доривор гулхайри – *Althaeae officinalis* бўлиб, гулхайридошлар – *Malvaceae* оиласига киради. У оддий йўғон баргли, илдиз пояси калта кўп йиллик ўт ўсимлиқдир. Бўйи 150-160 см.ни ташкил этади. Ўткир учли барглари банди ва поясида кетма-кет ўрнашган. Гуллари поя ҳамда шохлар учиди барг қўлтигида жойлашган. Яси юмалоқ ва серуруғли қуруқ меваси июнь ойидан бошлаб етилади.

Маҳсулотни тайёрлашда ўсимликнинг илдизи кавлаб олиниб, 40 даражадан юқори бўлмаган ҳароратда қурилади. Тайёр маҳсулот цилиндрсимон, устки томони оқ ёки сарғиш оқ рангли, узунлиги 35 см.гача, диаметри 0,5-1,5-2 см.дан илдиз бўлаклардан иборат. Маҳсулотнинг ўзига хос ҳиди ва ширин мазаси бор. Гулхайри илдизининг препаратлари ўраб олувчи, балғам кўчирувчи, яллиғланишга қарши (болаларнинг нафас йўллари касалланганда) дори сифатида ишлатилади. Турли йиғмалар таркибига киради.

Гулхайри қиёми – (Sirupus Althaeae) бу қиём гулхайрининг қуруқ ва куюқ экстрактидан фойдаланилади.

Extracti Althaeae sicci – 2 қисм.
Sirupi Simpeius – 98 қисм.

Гулхайрининг қуруқ экстракти қанд қиёмида қиздириб ва араштириб эритилади, сўнгра сузилади. Бу қиём тиник, куюқроқ сарғиш рангли, ширин мазали

ўзига хос ҳидли суюқлик. 200 мл шиша идишда чиқарилади, балғам кўчирувчи сифатида ишлатилади.

Муқалтин – гулхайри ўсимлигининг ер устки қисмидан олинган препарат бўлиб, таркибда полисахаридлар мавжуд.

Кўкрак ёки чучукмия элексири.

Таркиби:
Exeracti Glycyrrhizae – 60 қисм.
Sol. Ammonii caustici – 10 қисм.

Olei Anisi – 1 қисм.
Spiritus aethylicus – 49 қисм.
Aguae destillatae – 180 қисм.
Сачрати ўсимлигининг ер устки қисмидан олинган экстракт таркибидаги флавоноидлар унуми миқдорини аниқлашнинг спектрофотометрик таҳлил усули ишлаб чиқилди ва унинг яроқлиги исботланди.

Дағал далаҷой қуруқ экстракти асосида олинган таблеткаларни стандартлаш – таблеткалар Британия фаркопеяси талаблари асосида барча асосий кўрсаткичлари чинлиги, ўртача оғирлик ва ундан четланиш, парчаланувчанлик, эрувчанлик ва миқдорий кўрсаткичлари бўйича стандартлаштирилган. Битта таблеткадаги гиперцинлар йиғиндиси 0,9 мг. Дағал далаҷой асосида олинган "Далаҷой" препарати учун юсех ёрдамида гиперацин йиғиндисини аниқлашнинг янги миқдорий усули ишлаб чиқилди.

"Момикол" дражесининг аминокислота таркиби тозаланган мумий ва акежабр қуруқ экстрактидан ташкил топган. Юқори самарали суюқлик хроматографияси усулида гидролизат таҳлил қилинганда "Момикол" дражеси 17 та аминокислотадан ва ундан 7 таси аминокислоталардан лизинг, аргинин, тирозин миқдор жиҳатдан юқорилиги маълум бўлди.

ликдан жуда фойдали ҳисобланади.

Четан меваси – оддий четан раёноғулдошлар оиласига киради. Тошкент ва Самарканд вилоятларида ўрмонли тоғларда бутлар орасида ўсади. Меваси таркибиде 160 мг. фоиз аскорбин кислотаси, Р витамини, каротин 18 мг. фоиз органик кислоталар (олма, лимон, вино), қандлар, аччиқ гликозидлар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, эфир moyлари, сорбит спирти ва бошқа бирикмалар бўлади. Уруғида амигдалин гликозоиди ва 22 фоиз ёғ мавжуд, баргида 200 мг. фоиз С витамини бор. Мевасидан витаминга бой шарбат ёки дама лама тайёрланиб, лавша (синга) ва бошқа авитаминоз касалликларини даволаш ҳамда олдини олишда ишлатилади. Мазкур ишда мавзуга оид етарли касаллик назарий маълумотлар келтирилди. Қўйилган мақсадга эришишда адабиётлар таҳлили ўтказилди. Аҳолини маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, биосамарадор дори воситаларини доривор ўсимликлардан ажратиб олиш ва доривор препаратлар тайёрлаш ўрганилди. Шу мақсадда қорхона шароитида тайёрланган гулхайри қиёми, муқалтин, кўкрак элексири, момикол дориси, қоракорақат ўсимлиги, четан меваси таркиби, жилонжийда барги қуруқ экстракти, далаҷой препаратлари ўрганилиб, уларни спектрал анализ, хроматография усуллари қўлланилиши ўрганилди.

Фозил ЗУФАРОВ,
фармацевтика фанлари номзоди, доцент,
Эркиний РАҲИМОВА,
Зангиота тиббиёт коллежи катта ўқитувчиси.

Шифокор маслаҳати

ЮРАГИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Маълумки, инсон организмидеги барча тўқималарни қон билан таъминлаб турувчи юрак ўз фаолиятини туғилмасимиздан олдин бошлаб, умримиз охиригача давом эттиради. Афсуски, мукамал имкониятга эга ушбу мўъжизани барвақт ишдан чиқариб қўймадик ҳақида кам қайғураемиз. Оқибатда, у билан боғлиқ муаммо – юрак хасталигини орттириб оламиз.

Фаолиятлар таҳлили шуни кўрсатадики, 30-50 ёшлар атрофида учрайдиган юрак қон тисмир касалликлари аёлларга нисбатан эркаклар орасида кўпроқ кузатилади. Касаллик

асосан қон таркибиде ҳолистерин моддаси кўпайиб кетиши, қон босими кўтариллиши, қандли диабет, семизлик ҳамда узлуқсиз оқлий меҳнат ва кам ҳаракат натижасида келиб чиқади. Албатта, хасталик бирданга пайдо бўлмайди. Юрак тож томирларида қон айланиши бузилгач, дастлаб бемор кўкрак кафасида оғриқ ва ҳаво етишмаслик ҳолатлари келиб чиқади. Бундай вазиятлар жисмоний меҳнат вақти ва юриб келаётган пайтларда содир бўлиши мумкин. Оғриқ асосан кечаси ҳамда овқатлангандан кейин кўкракнинг чап қисмида кузатилади. Бу

вақтда зудлик билан шифокорига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Юрак хуружида беморга юриш, ҳаракат қилиш тавсия этилмайди. Ва албатта, шифокор назоратида туриши, бир йилда икки мартаба мутахассис назоратидан ўтиши зарур. Бутунлай соғайиб кетиш учун эса зарарли одатлар: чекиш, спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик ва тартибсиз овқатланишдан узоқроқ юриши лозим.

Жума МУСАЕВ,
Бекобод туманлароқ
79-сонли ТМЭК раиси,
олий тоифали кардиолог.

Ижтимоий ҳимоя

НОГИРОНЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Мамлакатимизда тиббиётга қаратилган эътибор натижасида вилоятимизда ногиронларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси ва экспертизаси борасида олиб борилаётган фаолиятлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бу борада махсус гуруҳ тuzилиб, саломатлигини йўқотган инсонларни меҳнат фаолиятига қайтариш, қолаверса, ногиронликнинг олдини олиш борасида кенг қамровли профилактик ишлар йўлга қўйилган. Комиссия шифокорлари томонидан касаллик асоратлари ва даволаниш натижаларини эътиборга олган ҳолда реабилитация даражаси юқори бўлганларга малякали ижтимоий ёрдам кўрсатишмоқда. Таяқдлаш жоизки, мазкур сабий-ҳаракатлар ва меҳнат

муҳофазаси билан боғлиқ тушунтириш ишлари ўз натижасини бермоқда. Шунингдек, ногиронлар ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг меҳнат воситалари ва протез-ортопедик маҳсулотларга бўлган талаблари имкон қадар қондириб келинмоқда. Айниқса, бу борада даволаш-профилактика муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб борилаётгани сифат даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда. Муҳими, бу каби фаолиятлар келгусида ҳам изчил давом эттирилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг саломатлигини тиклаш ва меҳнат фаолиятига қайтишларига амалий ёрдам кўрсатиб борилади.

Каримбой АЛЛАБЕРГАНОВ,
Урганч туманлароқ 96-сонли
ТМЭК раиси.

Хабарлар

ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЯНГИ БИНОДА

Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу пайтгача молаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келган бўлимдаги шароитлар замон талабларига мутлақо жавоб бермасди.

Ўттиз ўринга мўлжалланган замонавий бино барча қулайликларга эга. Унда беморлар юқумли касалликлар турига кўра, тўртта алоҳида боксда даволанади. Бу эса хасталикларнинг ўзаро киши хавфи олдини олади. Бўлимда беморларни қабул қилиш, шифокорлар учун барча шароит яратилган.

Туман тиббиёт бирлашмасида ошхона ва бошқа ёрдамчи объектлар ҳам барпо этилди. Умуман, ана шу бунёдкорлик лойиҳаларига жами 6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

– Кейинги тўрт йилда туманда соҳанинг моддий-техник базаси тубдан мустаҳкамланди, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи **Б. Ражабов**. – Бу ерда тугруқхона мажмуаси, шошилинч тиббий ёрдам бўлими, кўп тармоқли марказий поликлиника бинолари ва бошқа қатор объектлар қурилиб, замонавий жиҳозланди. Бу туманимизда касалликларнинг олдини олиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

ЁШ ШИФОКОРЛАР ИШ БОШЛАДИ

Тошкент тумани Гулистон қишлоғидаги оилавий поликлиникада Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти битирган 12 нафар умумий амалиёт шифокори, педиатрия ва онкология мутахассислари ўз фаолиятини бошлади.

Муҳаммадориף Сафоев ҳам тенгдошлари қатори туман тиббиёт бирлашмасига қарашли "Қизғалдоқ" кишлоқ врачлик пунктига умумий амалиёт шифокори бўлиб ишга жойлашди.

– Биз, ёшларга билдирилган юксак ишончни оқлаб, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашдек шарафли ишга ҳисса қўиши имкониятига эга бўлганимдан бахтиёрман, – дейди **М. Сафоев**. – Устозларимиздан олган билимларимизни амалиётда қўллаган ҳолда, шифокорлик қасамёдида содиқ қоламиз. Дипломли бўлиб ишга жойлашганимни эшитган ота-онам ва яқинларим ҳам жуда хурсанд бўлишди.

Қарор ва ижро

БИТИРУВЧИЛАР ЯНГИ
МЕХНАТ ЖАМОАСИДА

Мамлакатимиздаги тиббий олий таълим муассасаларида тахсил олган 94 нафар битирувчи меҳнат фаолиятини бошлаш учун Навоий вилоятига қайтди.

Ёш шифокорларни кутиб олиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ёш мутахассисларга шаҳар, туман тиббиёт бирлашмалари, қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктларида ишлаш учун йўланмалар топширилди.

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА
ХИЗМАТИДАН АҲОЛИ МАМНУН

Қашқадарё вилояти Фузор тумани тиббиёт бирлашмаси тизимидagi 41-оилавий поликлиника қарийб 33 минг аҳолига хизмат кўрсатади.



Замонавий жиҳозланган тиббиёт муассасасида 15 шифокор ва 80 нафар ўрта тиббиёт ходими даволаш-профилактика ишларини янгича мезонлар асосида олиб бормоқда. Кундузги шифохона, физиотерапия, тиш даволаш хизматларининг сифатидан аҳоли мамнун.

ЎЗА.

Обуна – 2018

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2018 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимидagi амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.



Таклиф

Ёрдамга муҳтож фуқароларимизга ҳолис ёрдам қўлини чўзиш, хайр ва савоб истаганларга сабабчи бўлиш, қолаверса, молиявий кўмак ҳамда шошлинч тиббий ёрдам зарур кишиларнинг даволаши учун имконият тақдим қилиш истагида бўлганлар ора-мизда йўқ эмас. Ана шундайлардан бири Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Отажонов кўчаси, 16-уйда истикомат қилувчи Илғоржон Иномжонов ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасига мурожаат йўллаб, умумий тарзда банкда ҳисоб рақамини очиб, ОАВда маълум қилишни, бу билан ҳар бир инсон баҳоликудрат пул тушириши мумкинлигини, уни эса имконияти чекланган, моддий жиҳатдан қийналган беморларни даволашга сарфлаш каби хайрия акцияларини ўтказиш таклифини билдирган. Чиндан ҳам бу каби хайрия тадбири шошлинч тиббий ёрдам, мураккаб жарроҳлик амалиёти талаб этилаётган, бироқ моддий имкониятлари чекланган инсонларга амалий кўмак бўлади.

Хурматли ўқувчилар! Бу борада Сизнинг фикрингиз қандай, ўз таклиф-мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборинг.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Ассоциация врачей экстренной медицинской помощи Республики Узбекистан и Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи последний вторник последней недели каждого месяца будет проводить заседание Научного общества Ассоциации врачей экстренной медицинской помощи Республики Узбекистан.

Приглашаются врачи системы экстренной медицинской помощи, научные сотрудники, докторанты, магистры и клинические ординаторы, а также врачи лечебно-профилактических учреждений и специализированных центров.

Первое заседание планируется провести 30 января 2018 года в конференц-зале Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Кичик Халка йули, 2.

Организация: Ассоциация врачей экстренной медицинской помощи Республики Узбекистан.

Родителям на заметку

Плохой уход за ребенком
приводит к гипотрофии

Гипотрофия – тип дистрофии, хроническое расстройство питания и пищеварения у детей до 2 лет, которое приводит к развитию дефицита массы тела по отношению к росту. Сопровождается значительным снижением иммунитета и нарушением многих жизненно важных функций организма.

Причинами заболевания являются недостаточное питание матери во время беременности, заболевания матери, вредные привычки, профессиональные вредные факторы, стрессы, особенности конституции матери (вес до 45 кг, рост до 150 см), внутриутробные инфекции. К экзогенным (внешним) причинам относятся: алиментарные факторы – питание, которое по количеству и качеству не соответствует возрасту ребенка, инфекционные факторы – внутриутробные инфекции, инфекционные заболевания ЖКТ и мочеполовой системы, септические состояния, токсические факторы – отравление лекарствами, использование просроченных молочных смесей, гипервитаминозы А и D, плохой уход за ребенком.

Симптомы гипотрофии

Гипотрофия сопровождается такими синдромами как нарушение питания (снижение веса, иногда замедление роста), нарушение переваривания и усвоения пищи (плохой аппетит, нарушение работы кишечника, рвота), нарушение функций ЦНС (снижение тонуса мышц, нарушение эмоционального состояния и сна), уязвимость к инфекциям. В зависимости от выраженности этих признаков различают 3 степени гипотрофии. При гипотрофии I степени дефицит массы тела варьируется от 11 до 20%. Толщина подкожной клетчатки снижается везде (прежде всего, на животе), кроме лица. При гипотрофии II степени потеря массы достигает 25 – 30%. Дети отстают в росте и нервно-психическом развитии. Подкожный слой сильно истончен на животе, руках и ногах, сохраняется только на лице. При гипотрофии III степени потеря массы тела достигает 30% и более. Симптоматика крайней степени истощения проявляется следующим образом: кожа бледно-серая, подкожный жировой слой полностью отсутствует. Симптомы перенатальной гипотрофии отличаются в зависимости от тяжести поражения головного мозга. Гипотрофия диагностируется при наличии характерных внешних симптомов. В качестве вспомогательных используются лабораторные методы исследования (анализ крови, биохимия крови, анализ кала, общий анализ мочи).

Гавхар КАХХАРОВА,
преподаватель 1-Республиканского медицинского колледжа, кафедры «Сестринский уход за взрослыми».

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «f» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кун
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5361 нусха.
Буюртма Г-137.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.